



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№4 (957)

2026 йил 27 январь, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Уй-жой
субсидияларининг
туб моҳияти,
мақсад ва
вазифалари

2 →



“ФАРҒОНА”

туристик-рекреацион зонаси
ҳудуд жозибадорлигини
оширишга хизмат қилади

Сардорхон
СОДИҚҲОНОВ,
Фарғона вилояти
Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги
бош бошқармаси
етақчи мутахассиси,
архитектор.



Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президентининг 2026
йил 12 январда қабул қилинган ПҚ-5-
сонли қарорига мувофиқ, Фарғона
вилояти ҳудудидида умумий майдони
2 396 гектар бўлган “Фарғона” тури-
стик-рекреацион зонасини ташкил
этиш белгиланди.

Ушбу йирик лойиҳа Фарғона вилоятининг
бой табиий, рекреацион ва иқтисодий сало-
ҳиятидан самарали фойдаланиш, халқаро ту-
ризмни ривожлантириш, аҳоли бандлигини
таъминлаш ҳамда ҳудуднинг инвестициявий

жозибадорлигини оширишга қаратилган. Шу
жиҳатдан, “Фарғона” туристик-рекреацион зо-
наси мамлакатимизда туризм соҳасини янги
босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Тўрт кластер – ягона тизим

Туристик зона 4 та ўзаро уйғун кластердан
иборат бўлиб, улар табиат, соғломлаштириш,
қишлоқ туризми ва кўнгилочар хизматларни
ягона маконда бирлаштиради.

Жумладан:

- “Шоҳимардон – Ёрдон” умуммавсумий
халқаро курорт зонаси – **924 гектар**;
- “Чимён” санаторий-курорт зонаси –
786 гектар;
- “Водил” агротуризм кластери –
549 гектар;
- “Аввал” кўнгилочар туризм мажмуаси –
137 гектар.

Бу кластерлар ўзаро функционал жиҳатдан
боғланган ҳолда, туристлар учун
йил давомида узлуксиз хизмат
кўрсатиш имконини беради.



▲ “Фарғона” туристик-рекреацион зонаси лойиҳаси.

Ўмғир сувларидан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар

Шерзод ОДИЛОВ,
Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги
вазирлиги Лойиҳа
фаолияти ва
сейсмик хавфсизлик
талабларини
мувофиқлаштириш
бошқармаси бошлиғи.



Юртимиз табиати хилма-хил.
Айни куз ва баҳор фаслида ўмғирлар
мавсуми бошланади. Сув танқислиги
ортаётган бир пайтда ўмғир сувла-
ридан самарали фойдаланиш муҳим
масала ҳисобланади. Юртимиз бўй-
лаб ёғингарчиликнинг ўртача йил-
лик ҳажми 186 мм ни, хусусан, ади-
р ва тоғолди қисмларида 300-550 мм
ни ташкил этади. Тоғли ҳудудларда
эса янада юқори – 800-900 мм гача
етиб, 70-90 кунгача ёғингарчилик
кузатилади. Ҳисоб-китобларга кўра,
1 квадрат метр том сатҳидан ўрта
ҳисобда 186 литрга тенг ўмғир суви-
ни тўплаш мумкин. Муҳими, ўмғир
сувидан фойдаланиш ичимлик сув
захираларини тежаш ва сув танқис-
лиги муаммосини ҳал қилишда ёрдам
беради.

Маълумотларга кўра, ўмғир сувидан фой-
даланиб, бир киши кунига ўртача 71 литргача
ичимлик сувини тежаш мумкин. Бир кишининг
кунлик ўртача сув сарфи 130 литрни ташкил
этади. Агар биз ҳозир тоза ичимлик суви сарф-
лаётган ишлаб чиқариш жараёнлари – май-
ший, уй-жой хўжалиги, автомобилларни ювиш
каби ишлар ёғингарчилик суви ҳисобидан бўл-
са, мамлакат бўйича сезиларли миқдорда тоза
ичимлик сувини тежашга эришган бўлар эдик.
Мисол учун, Туркияда 2 минг квадрат метрдан
ортиқ куп қаватли уйлар ҳамда янги қурила-
ётган биноларда ўмғир сувини йиғиш тартиби
белгиланган. Германияда Франкфурт аэропор-
тида йиғилган ўмғир суви аэропортнинг кўка-
ламзорлаштирилган ҳудудларининг 60 фои-
зини сугориш ва техник сув ўрнини қоплаш
имконини беради. Австралияда эса ўмғир суви
шаҳарларда 9 фоиз, шаҳардан ташқарида 63
фоиз сувга бўлган талабни қондиради.



▲ Ўмғир сувини йиғувчи иншоот.

Ўмғир ва оқова сувларини тозалаш технологиялари:

- ичимлик сувидан ичимликсиз мақсадларда
фойдаланиш ҳажмини қисқартириш;
- тозаланган сувини қайта ишлатиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ечимларининг экологик тозаллиги;
- гидрoгeолoгик циклни (табиатдаги
табиий сув айланиши) сақлаб туриш
учун тозаланган ер усти оқимининг ерга
инфилтратсияси.

Ўмғир суви оқова сувларини тозалашнинг стандарт усуллари:

- қаттиқ механик тозалаш;
- минерал чўкма;
- тўхтатилган қаттиқ ва сизувчи
ифлослантирувчи моддаларни олиб
ташлаш;
- эриган минерал аралашмаларни олиб
ташлаш;
- органик ифлослантирувчи моддаларни
олиб ташлаш;
- қўшимча тозалаш;
- дезинфекция.

Тозаланган ўмғир сувининг сифатига қараб:

- сув ҳавзасига туширилган;
- ер ости сувлари тўлдириладиган ҳудудда
тузроқни сугориш учун фойдаланилган;
- қайта ишлатиладиган турларга бўлиш
мумкин.

Ўмғир суви ва оқова сувларни тозалаш учун
биринчи навбатда, тозалашга қирадиган сув-
нинг дастлабки сифатига амал қилиш тавсия
этилади.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудла-
рида “Янги Ўзбекистон” массивлари, янги шаҳар
ва шаҳарчалар, бошқа турдаги кўплаб иншоот-
лар барпо этилмоқда. Шаҳар шароитида аҳоли
жон бошига тўғри келаётган 6500 квадрат метр
яшил ҳудудни ўмғирлашиб сугоришда суткалик
сув сарфи 67 куб метр ёки 67 тоннани ташкил
этади. Агарда, ушбу майдонни қайта ишланган
техник ёки ёғингарчилик сувларидан фойдала-
ниб сугорсак, 515 киши ёки 128 та куп хонадонли
уйни бир суткалик ичимлик суви билан таъмин-
лашга эришиш мумкин.

Бундан ташқари, бизда оқова билан техник
сувлар ҳам бор. Бу сувларни алоҳида иншоотлар
қуриб, махсус қурилмалар билан жиҳозлаб, то-
залаб, кейин ундан фойдаланса бўлади. Шу боис,
техник сувлар қўшимча харажатларни келти-
риб чиқарди. Сабаби, сувини иккита қувур орқа-
ли ўтказишга тўғри келади. Биринчиси, оддий
ичимлик суви бўлса, иккинчиси оқова (ювиниш,
ошхона ва ҳожатхонада ишлатилади) сув ҳисоб-
ланади. Ҳозирда ушбу лойиҳанинг иқтисодий
самарадорлиги ҳисоб-китоб қилиниб, ўрганил-
моқда.

Бу ишларни амалга оширишда ҳукумат то-
монидан техник ва ёғингарчилик сувларини
йиғиш ва уни сақлаш бўйича буюртмачи ҳамда
эксплуатация ташкилотларини аниқ белгилаш,
янгидан барпо этиладиган массивларнинг қу-
рилиш лойиҳаларида кўзда тутиш мақсадга му-
вофиқ бўлади.

Маҳалла ривожига энг илғор ғоялар татбиқ этилади

Президентимиз Олмazor
туманига ташрифи доирасида
туризм ва хизмат кўрсатиш
объектлари фаолияти билан
танишди. Мутасаддиларга
туризм ва хизмат кўрсатиш
соҳаларидаги ишларни
янада такомиллаштириш,
маҳаллалардаги тарихий
муҳитни асраб-авайлаган ҳолда
иқтисодий фаолликни ошириш,
энг муҳими, одамлар манфаатига
хизмат қиладиган барқарор
тизимни шакллантириш бўйича
аниқ топшириқлар берилди.

“Масалан, хунармандчилик – миллийлиги-
мизни ифодалайдиган асосий йўналишлардан
бири. Шу боис хунармандлар маҳсулот ишлаб
чиқариши учун барча зарур шарт-шароитлар-
ни яратиб бериш бизнинг вазифамиз. Мала-
кали кадрлар тайёрлаш зарур. Шу мақсадда
хунармандлар университетини ташкил этиш
мақсадга мувофиқ. Биз тадбиркорлар билан
учрашяпмиз, эндиликда хунармандлар билан
ҳам алоҳида учрашувлар ташкил этамиз”, деди
Президент.

Айтиб ўтиш жоизки, Олмazor туманида бу-
гунги кунда 300 мингдан ортиқ аҳоли истиқо-
мат қилади. Олмazor туманида қадимий ёд-
горликлар қад ростлаган Хастимом мажмуи ва
унга яқин Зарқайнар дунё сайёҳларини ўзига
мафтун этиб келаятган жой ҳисобланади.

“Эски жува” бозори яқинлиги боис, бу жойда
ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, мил-
лий анъаналари ва қадриятлари акс этган ху-
нармандчилик, кулолчилик
ва зардўзлик маҳсулотлари
ишлаб чиқарилиши аҳо-
лини иш билан таъминлаш
ҳамда янги иш ўринларини
яратишга хизмат қилади.

Даржақиқат, Зарқайнар
гўшаси яқинида Ўслон ци-
вилизация марказининг
қад ростлагани сайёҳлар
қизиқишини янада оширди.

Учрашувда давлатимиз
раҳбари талаба-ёшлар ўрта-
сида маҳаллани ривожлан-
тириш дастурлари танловини
жорий этиш тақдирини
берди. Бугунги ёшларнинг
креатив фикрлаши ва ин-
новацион ёндашуви, ал-
батта, Ватан ичиди Ватан
бўлган маҳалланинг янада
таракқий этишига хизмат
қилади.

Айниқса, Олмazor ту-
манида бунинг амалда таъминланиши яхши
самара беради. Чунки туманда йирик олий ўқув
юртлари жойлашган. Маҳаллалар ҳамда олий
таълим муассасалари ҳамкорлиги ривожланиши
эса бу йўналишда илмий ишлар олиб борилиши-
га йўл очиши мумкин.

Бундай ёндашув эса маҳалла ривожига энг
илғор ғоялар татбиқ этилиши ва халқ ҳаёти яна-
да яхшиланишига хизмат қилади.



► Фото: Ў.А.

Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси
доценти Мансур Юнусов Ў.А. муҳбири Норгул
Абдураимовага шу ҳақда қуйидагиларни бил-
дирди:

– Давлатимиз раҳбари миллий меъморий ус-
лубда таъмирланган хонадонлар, обод кўчалар
ва аҳоли учун яратилган шароитларни кўздан
кечирар экан, туристлар учун шароит яратишни
янада яхшилаш ҳақида фикр билдирди.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



Ислохот



Уй-жой субсидияларининг туб моҳияти, мақсад ва вазифалари

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу жараёнда ипотека кредитлари ва уларни қўллаб-қувватлаш механизмлари, хусусан, уй-жой субсидиялари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аммо “субсидия” тушунчаси кўп қўлланилсада, унинг асл моҳияти, амалий фойдаси ва ишлаш механизми ҳақида ҳамон жамоатчиликда етарлича тасаввур мавжуд эмас. Шу сабабли, масалани ойдинлаштирадиган бир қанча жиҳатларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Адҳам ЭҒАМБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Субсидия нима ва у фуқарога қандай фойда беради?

Уй-жой субсидияси – давлат томонидан фуқароларга ипотека кредити асосида квартира сотиб олишда молиявий юкни енгиллаштириш мақсадида бериладиган қайтарилмайдиган маблағ ҳисобланади. Субсидия фақат бирламчи бозордан квартира харид қилишда қўлланилади ва икки асосий йўналишни қамраб олади: бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш ҳамда ипотека кредитининг фоиз тўловларини қисман компенсация қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги ПФ-26-сон Фармони мувофиқ, жорий йилда бир фуқаро учун

бошланғич бадални қоплаш мақсадида қатъий белгиланган 30 миллион сўмлик субсидия ажратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, ипотека кредитининг дастлабки беш йили давомида фоиз тўловларининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан (13,5 фоиз) ошган қисми давлат томонидан қоплаб берилади. Сอดда қилиб айтганда, агар фуқаро 20 йил муддатга, масалан, 17,5 фоиз ставкада ипотека кредити олса, биринчи беш йил давомида у кредит учун 13,5 фоизли ставка бўйича тўлов қилади, қолган фарқ эса давлат ҳисобидан қопланади. Бу эса фуқаро учун молиявий юкни сезиларли даражада камайтиради.

Кимларга ва қандай мезонлар асосида берилади?

Субсидия ажратиш тизими ижтимоий адолат таъминлашга таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Фуқаролар субсидия олиш учун ариза топширганда, улар бир қатор ижтимоий мезонлар асосида баҳоланади. Жумладан:

- ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг даромад даражаси;
- мавжуд турар жой мақоми;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар тоифасига кириши;
- ногиронлиги бўлган шахслар мавжудлиги.

Баҳолаш балл тизими асосида амалга оширилади ва субсидия олиш учун фуқаро камида 30 балл тўплаши лозим. Агар ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларидан бири ногиронлиги бўлган шахс бўлса ва у “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган бўлса, унга қўшимча 5 балл берилади. Бу эса субсидия олиш имкониятини оширади.

Нега субсидия фақат бирламчи бозорга йўналтирилган?

Давлат томонидан ажратилаётган субсидиялар фақат янги қурилган уй-жойлар, яъни бирламчи бозор орқали берилиши тасодифий эмас. Бу қарор ортида аниқ иқтисодий ва ижтимоий ҳисоб-китоблар мавжуд. Жамоатчиликда энг кўп муҳокама қилинадиган масалалардан бири ҳам нега уй-жой субсидиялари фақат янги қурилган уйларга тааллуқли экани ҳақидаги саволдир. Мутахассислар бу қарор ортида фақат уй-жой сиёсати эмас, балки кенг иқтисодий манфаатлар турганини таъкидлайди.

– Бирламчи бозорни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат уй-жой сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, – дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бош мутахассиси Шохруҳбек Ғаниев. – Чунки бу ёндашув орқали давлат фақатгина аҳолини уй-жой билан таъминлашни эмас, балки кенгрок иқтисодий ва ижтимоий мақсадларни ҳам бир вақтнинг ўзида амалга оширади. Аввало, бирламчи бозорни рағбатлантириш янги уй-жойлар қурилишини барқарор давом эттириш учун зарур шароит яратди. Қурилиш компаниялари ва девелоперлар учун талаб мавжуд бўлгани сари лойиҳаларни бошлаш ва якунлашга бўлган ишонч кучаяди. Бу эса, кўп квартирали уйлар қурилишининг ҳажми ва сифати ошишига хизмат қилади. Иккинчидан, қурилиш соҳаси ўзининг кўплаб ён тармоқлари билан иқтисодиётда алоҳида ўрин тутди. Янги уйлар қурилиши фаоллашган сари қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, логистика, транспорт, лойиҳа ва дизайн хизматлари, муҳандислик ҳамда монтаж ишлари ҳам бир маромда ривожланади. Натижада нафақат қурилиш майдонларида, балки ушбу соҳаларга бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган минглаб иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, янги уй-жойлар барпо этилиши аҳолининг истеъмол фаоллигини оширади. Янги хонадонга кўчиб ўтган фуқаролар мебель, маиший техника, электр жиҳозлари ва бошқа кундалик эҳтиёж буюмларини харид қилади. Бу эса, ички бозорда қўшимча пул айланмасини юзага келтириб, ишлаб чиқариш ва савдо ҳажмининг кенгайишига олиб келади. Муҳими шундаки, бирламчи бозорни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётда шаклланаётган ушбу фаоллик давлат бюджетини учун ҳам ижобий натижа беради. Қурилиш ва унга боғлиқ тармоқларда юзага келган иқтисодий айланиш солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар қўринишида бюджет тушумларини оширади. Бу ҳам ўз навбатида ижтимоий дастурларни молиялаштириш учун қўшимча имконият яратди.

Демак, уй-жой субсидияларининг айнан бирламчи бозорга йўналтирилиши тасодифий қарор эмас. Бу давлатнинг узоқ муддатли, тизимли ва ҳисоб-китобга асосланган сиёсатидир. Мазкур ёндашув нафақат бугунги эҳтиёжларни қондиради, балки келгусида барқарор иқтисодий ўсиш ва ҳудудлар ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, мутахассис қилган маълумот ва асослардан тушунишимиз мумкинки, мазкур ёндашув натижадада ўтган йилларда мамлакатимизда ўн минглаб кўп қаватли уйлар барпо этилди, юз минглаб одамлар иш билан таъминланди, қурилиш материаллари, мебель, электротехника ва бошқа соҳаларда янги бозор сегментлари шаклланди. Фақат ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 40 миллион квадрат метрдан зиёд бино-иншоот барпо этилди, 100 мингдан ортиқ хонадонга эга кўп қаватли уйлар қурилди. Бу жараёнда юз минглаб одамлар иш билан таъминланиб, иқтисодиётда ўнлаб триллон сўмлик қўшимча айланма кириб келди.

Пойтахтдаги нархлар, муаммо ва рақамлаштириш

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида субсидия асосида ажратиладиган ипотека кредити миқдори 420 миллион сўмни ташкил этади. Айни пайтда пойтахтда бу маблағ доирасида уй топиш осон эмаслиги бор гап. Бу, аниқсиз, харид қилишга паст бўлган аҳоли қатламлари учун жиддий муаммо. Шу босис, ПФ-26-сонли Фармон билан 2026 йил 1 январдан бошлаб муҳим янгиллик жорий этилмоқда. Энди “эскроу” тизими доирасида камида 50 фоизга қурилган кўп квартирали уйлардан квартира сотиб олиш учун ҳам ипотека кредити ва субсидия беришга рухсат этилади. Бу фуқароларга қурилиш босқичида, уй-жой нархи нисбатан арзон бўлган пайтда харид қилиш имкониятини беради.

Субсидия ажратиш жараёни тўлиқ рақамлаштирилган. Фуқаролар аризани Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топширади. Барча маълумотлар subsidya.idm.uz электрон платформаси орқали автоматик тарзда текширилади ва баҳоланади. Бу жараёнда инсон омилли иштирок этмайди, натижада коррупция хавфи деярли нолга тенг.



Хулоса сифатида айтиш мумкинки, уй-жой субсидияси бугунги кунда давлат билан фуқаро ўртасидаги ижтимоий қелишунинг амалий ифодасига айланиб бормоқда. У орқали давлат аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тан олади ва бу эҳтиёжни бозор қондилари билан уйғунлаштирган ҳолда ҳал этишни мақсад қилади. Субсидия механизми фуқарони қарз юки билан ёлғиз қолдирмасдан, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, шу билан бирга, қурилиш соҳаси ва унга боғлиқ тармоқлар орқали иқтисодиётга янги сурыат беради. Энг муҳими, ушбу тизим қисқа муддатли ёрдам билан чекланиб қолмай, уй-жой бозорини тартиб солиши, ҳудудларни ривожлантириш ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилаётган узоқни кўзлаган давлат сиёсатининг бир бўлаги сифатида намён бўлмоқда.



“ФАРҒОНА”

туристик-рекреацион зонаси ҳудуд жозибадорлигини оширишга хизмат қилади



Инвестиция, инфратузилма ва рақамли қулайликлар

Қарорга мувофиқ, 2026–2029 йилларда туристик зона ҳудудида туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини барпо этиш учун 300 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳаллий ҳамда хорижий инвестициялар жалб этиш режалаштирилган.

Лойиҳа доирасида тоғ, эко, агро, тиббий ва экстремал туризм йўналишларида замонавий инфратузилма яратилади. Ресторанлар, савдо ва кўнгилочар марказлар, маданият ва санъат объектлари фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, туристлар тавжум ҳудудларда барқарор мобил алоқа ва интернет қамрови кенгайтирилиб, мавсум даврида Шохимардон ва Ердон ҳудудларида кўча мобил базавий станциялар ўрнатилади.

Қирғиз Республикаси билан чегарадош ҳудудларда санитар-гигиеник шохобчалар, пйедалар йўлакларини, яшил йўлаклар, имконияти чекланган шахслар учун қулай инфратузилма барпо этилиши, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Замонавий транспорт ечимлари

2026–2028 йилларда туристик зонага олиб борувчи автомобиль йўллари қурилиб, таъмирланади, махсус автотураргоҳлар ва табақалаштирилган тарифлар асосидаги парковчалар ташкил этилади. Электробуслар асосида жамоат транспорти йўлга қўйилиб, велосипед йўлаклари ва ижара тармоқлари яратилади.

Шунингдек, Чимён автостанцияси реконструкция қилиниб, Водил автошохбекати ва “Аввал” МФЙда замонавий бекатлар ташкил этилади. Туристик кластерлар Фарғона халқаро аэропорти, Марғилон темир йўл вокзали билан боғланади ҳамда Қирғиз Республикасидан халқаро транспорт қатновлари йўлга қўйилади.

Хавфсизлик – устувор масала

Туристлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сел йўллари мунтазам тозаланади, дарё кичиклари мустаҳкамланади, тоғ-қутқарув гуруҳлари ташкил этилади ҳамда фавқулодда вазиятлар ҳақида огоҳлантириш тизимлари жорий этилади. Барча қурилиш ишлари гидрометеорология ва геологик хулосалар асосида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Фарғона” туристик-рекреацион зонаси – бу фақат иқтисодий ўсиш эмас, балки Фарғона вилоятини миллий ва халқаро туризм харитасида рақобатбардош марказга айлантиришга қаратилган комплекс лойиҳадир. Замонавий инфратузилма, экологик барқарорлик, транспорт ва ахборот технологиялари ҳамда туристлар хавфсизлигига қаратилган ёндашув ушбу ҳудуднинг жозибадорлигини янада оширади.

Тойлоқдаги кўп қаватли уйлар 8 баллик зилзилага дош берадими?

Тойлоқ тумани Чароғбон маҳалласидаги “Янги Ўзбекистон” ҳудудида барпо этилаётган 16 қаватли турар жой биноси вибродинамик ускуна ёрдамида зилзилабардошлик синовидан ўтказилди.

Аббос ЖАББАРОВ,
Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 апрелдаги “Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 161-сонли қарори ижроси доирасида ташкил этилган синов жараёнига малакали мутахассислар жалб этилди.

Дастлаб бино ҳолати ўрганилиб, конструктив элементлар текширилди ва махсус ускуналар жойига ўрнатилди. Шундан сўнг, зилзилавий таъсирини сунъий равишда ҳосил қилиш ишлари бошланди. Синов жараёнида бино конструкцияларга 8 баллик зилзилага мослаштирилган тебраниш берилди. Бу эса иншоотнинг сейсмик барқарорлигини реал шароитта яқин ҳолатда баҳолаш имконини яратди. Мутахассислар барча жараёнларни махсус жиҳозлар орқали назорат қилиб боришди. Бинонинг реакцияси, конструкцияларнинг ҳаракати ва барқарорлиги босқичма-босқич қайд этилди.

Синов ишлари уч босқичда амалга оширилиб, дастлабки визуал хулосаларга кўра, бино зилзилавий таъсириларга нисбатан барқарор ҳолатда экани қайд этилди.

– Бу синов орқали нафақат бинонинг сифати, балки қурилишда ишлатилган махсулотлар, геология хулосаси, тупроқнинг зичлиги каби хусусиятлар ҳам аниқланди, – деди Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиғи Лазизжон Ҳозқов. – Тойлоқ тумани зилзилабардошлик бўйича 7 баллик ҳудуд ҳисобланади. Ҳозирги синов табиий офатларни ҳисобга олган ҳолда бир балл қўшимча захира билан ўтказилди. Ҳозирда умумий олинган натижалар мутахассислар томонидан қайта ишлаш ва умумлаштирилган ҳолда ақуний хулоса чиқариш жараёнида.

Айтиш жоизки, бундай синовлар Ўзбекистон шароитида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ҳудуддаги биноларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва



▼ Синов жараёни.

зилзилабардошлик даражасини аниқлаш, шунингдек, уни янада оширишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки мамлакатимиз сейсмик фаол ҳудудда жойлашган бўлиб, ҳар бир бино ва иншоотнинг мустаҳкамлиги инсон ҳаёти ҳамда мулк хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ.

– Синов жараёнларида икки ой давомида тайёртарлик кўрдик, – деди Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошидаги Бино ва иншоотларни сейсмик тадқиқ қилиш илмий текшириш лабораторияси мудири Бекмурод Каримов. – Бинога махсус сенсорлар ва керакли мосламалар ўрнатилди. Синов жараёни эса 10 кун давом этди. Синовдан кейин бинонинг умумий ҳолати қоникарли деб баҳоланди. Бундан ташқари, бинонинг энг юқори қисмига қозондан ясалган маркер ўрнатилди. Япониянинг энг сўнгги технологиялари ёрдамида синов вақтида маркерда қузилган ўзгаришлар камерага ёзиб олинди. Ушбу ёзувлар ҳам ҳозирда мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Бинога ўрнатилган сенсорларнинг ҳар биридан олинган маълумотлар таққослаб ўрганилиб, таҳлил қилинган ақуний хулоса чиқарилади. Жорий йилда бу каби синовларни навбат билан бошқа вилоятларга ҳам ўтказишни режалаштирганмиз.

Олинган натижалар асосида келгусида биноларнинг сейсмик барқарорлигини кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланади. Бу эса, вилоятимизда барпо этилаётган барча бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини давлат назоратига олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бир томчи сув – минглаб имконият

Ҳеч ўйлаб қўрганмисиз, ястаниб ётган чўл бағрида жойлашган кўркам Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари-ю, Қизилқум бағридаги ишлаб чиқариш объектларига сув қаердан, қанча масофадан етиб келади? Баъзида уйимиздаги жўмракни шаррос оқизиб қўйиб ишлатамиз. Баъзиларнинг тоза ичимлик сувидан кўчадаги дарахт ва гулларини суғораётганини кўриб, безътибор ўтиб кетамиз. Аслида эса юзлаб инсонларнинг кеча-ю кундуз меҳнати эвазига шахримизга тоза ичимлик суви етиб келишини ҳаммамиз ҳам бирдек тушунавермаймиз.

Азиза ИРИСОВА,
"НКМК" АЖ Марказий кон бошқармси мухбири.

Бош сув олиш иншоотлари цехи

Ижодий жамоамиз ва корхона масъулари билан Марказий кон бошқармасига қарашли Ташқи сув таъминоти бирлашган энергохизматининг бошланиш қисми ҳисобланган Бош сув олиш иншоотлари цехи томон йўл олдик.

Бизга хамроҳлик қилган корхонанинг 8-сонли касабаяушмаси раиси Дилрабо Эгамбердиева Ташқи сув таъминоти цехининг насос станциялари асосан чўл ҳудудда жойлашганига қарамасдан, барча шароитлар яратилганини таъкидлаб, "Бу ердаги ишчи-ҳодимларимиз 15 кунлик иш тартибда ишлагани сабабли, уларга қулай шароит яратиб беришга ҳаракат қилганмиз" деди.

– Бу ердан чиқадиган маҳсулотлар ишчи-ҳодимларимизнинг саломатликлари учун ошқоналарда асқатмоқда. Бунинг барчаси ишчилар меҳнатининг самарасидир, – деди опа.

Қизилқум кенгликлари бўйлаб минг километрдан ортиқ масофани босиб Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманидаги Саримой қишлоғига ҳам етиб келдик. Бизни корхонанинг Бош сув олиш иншоотлари цехи бошлиғи Сапарбай Маметкличев ва кимёвий таҳлил лабораторанти Миве Пашбаева кутиб олди.

Мазкур цехда Амударёдан лойқалик даражаси юқори бўлган дарё суви олиниб, тозалаш иншоотларида турли кимёвий моддалар, яъни полиакриламид ёрдамида тиндирилади ҳамда лойқалик даражаси пасайтирилади. Сўнгра, бу техник сув насос қурилмалари орқали магистрал сув қувурларига юборилади. Бундан ташқари, жамоа 1-насос станциядан 2-насос станциясигача бўлган 51,7 километр масофадаги сув қувурларини таъмирлаш, хизмат кўрсатиш ишлари билан ҳам шуғулланади.

– Бош сув олиш иншоотлари цехининг ривожланишида Саттор Дўстмурадов, Ҳайитбой Нурматов, Одиббек Сапаев каби цех бошлиқларининг хизматлари катта, – деди бизга хамроҳлик қилиш жараёнида цех бошлиғи Сапарбай Маметкличев. – Бугунги кунда бу ерда 130 нафардан ортиқ масъулияти касб эгалари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг фидокорона меҳнатлари комбинатимиз ва Марказий кон бошқармаси томонидан муносиб тақдирланмоқда. Жумладан, 2018 йилда "НКМК" АЖнинг 60 йиллиги муносабати билан таъмирловчи чилангар Махсатжан Абдуллаев "Шуҳрат" медалли соҳиби бўлди, 2023 йилда кимёвий таҳлил лаборанти Миве Пашбаева "НКМК олтин аёли" кўрик танловида олий ўринни эгаллади. Ўтган йилда Ташқи сув таъминоти бирлашган энерго хизматининг 55 йиллиги муносабати билан насос қурилмалари машинисти Файзило Артиков "НКМК фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Сув сифати – назоратда

– Цехимизни лабораториясиз тасаввур қилиш қийин, – деди кимёвий таҳлил лаборанти Миве Пашбаева. – Лабораториямизда кимёвий таҳлил лаборанти ва микробиолог лаборанти касби бўйича 11 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Бизнинг асосий вазифамиз фотоколориметрик, физик-кимёвий методлар билан давлат стандартлари ва техник шартларга мувофиқ ўрта мураккабликдаги таҳлилларни ўтказишдан иборат. 0-насос ва 1-насос станциялари сув



етказиб бериш учун энг муҳим объектлардан бўлганлиги сабабли, қаттиқ назорат остида қўриқланади.

2021 йилда кон бошқармасининг Зарафшон таъмирлаш механика заводида қарашли "Саримой майдони" таъмирлаш механика участкаси ўз фаолиятини бошлаган. Айни вақтда участкада 99 нафар маҳаллий фуқаро ишга қабул қилинган бўлиб, улар орасида 22 нафари хотин-қизлар экани ҳам кўзни қувонтиради. 2024-2025 янги ўқув йили туман болалари учун қувончи бошланди, десак ҳам муболага бўлмайди.

Ташқи сув таъминоти цехи

Кейинги манзилимиз Ташқи сув таъминоти цехи бўлди. "Саримой" кўргони ва Зарафшон шаҳри оралиғидаги 4 та, яъни 2-3-4-5-насос станцияларини бирлаштираётган цехнинг зиммасига насос станциялардаги барча қурилмаларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ишлари киради. Ташқи сув таъминоти цехида ишчи-ҳодимлар асосан навбатчилик жадвали асосида



меҳнат қилади. Майдон ичи сув таъминоти цехига эса "Бессопан" ишлаб чиқариш майдони, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари, Довгизтов кўргонига ичимлик ва техник сувини насос қурилмалар орқали етказиб бериш вазифаси юклатилган. Цехда техник сувини филтрлаб, зарарсизлантириб, истеъмолчиларга ичимлик суви сифатида етказиб берадиган 4 та филтрловчи станция бор.

Шунингдек, цех энерго хизмати 4 та 35/6 кВли юқори қучланишга эга бўлган ва 14 та 6/0,4 кВли станциясини таъмирлаш, хизмат кўрсатиш ишлари билан ҳам шуғулланади. Корхонада йиллар давомида тинимсиз ишлаб келаётган асбоб-ускуналар ва турли хилдаги қурилмалар босқичма-босқич янгиланмоқда. Мисол учун, мазкур цехнинг 6-7-насос станциясида кенгайтириш ишлари олиб борилиб, қўшимча 12 донна

СЭ 25000*180 русумли насос агрегатлари ўрна-тилди.

2020 йилнинг март ойидан бошлаб Ташқи сув таъминоти бирлашган энерго хизмати таркибига яна бир янги Саноат майдонлари иссиқ сув таъминоти ва канализацияси цехи қўшилди. Илгари Саноат иссиқ сув таъминоти ва оқова сувларни тозалаш цехи (ҳозирги "Иссиқлик манбаи" ДУК)га қарашли бўлган цехнинг хизмат кўлами кенг. "Бессопан-1", "Бессопан-2", "Мурунтов", "7-ТМЗ" қозонхоналари, муҳандислик тармоқлари ва газ билан таъминлаш бўлималарини бирлаштирган цех "Бессопан" ва "Мурунтов" ишлаб чиқариш майдонларини узлуксиз равишда иссиқлик, буғ, иссиқ ва совуқ сув, газ билан таъминлаб келмоқда.

Бўндан ташқари, катта жамоанинг сайёҳаракати билан 1-2-3-4-5 насос станцияларига узлуксиз равишда электр энергияси ҳам етказиб берилмоқда. Бу вазифаларни Тармоқлар ва подстанциялар бўлимаси ходимлари амалга оширади. Шунингдек, улар СТМ-2000, 4АЗМ, А-4-400 электр двигателларини таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, мураккаб тузилмалари автома-

Сув таъминоти ишга туширилиши билан бир вақтда диспетчерлик хизмати ҳам ташкил қилинган. Унинг вазифаси ишлаб чиқариш ва технологик жараёнини бошқариш, "Амударё-Зарафшон" сув қувурлари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари бўйлаб автотранспорт ҳаракати, режавий таъмирлашнинг барча турлари, носозлик ҳолатларини тикловчи ишларни ташкиллаштириш ҳисобланади.

– Сўнгги йилда корхонамизда "Амударё-Зарафшон" сув қувурининг учинчи сув тармоғини тортиш ва насос станцияларини реконструкция қилиш" инвестицион лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари якунланиб, объект тўлиқ қувватда фойдаланишга топширилди, – деди Ташқи сув таъминоти бирлашган энерго хизмати бошлиғи Мансуржон Қудратов. – 2017 йилда бошланган лойиҳа доирасидаги 158,9 километр узунликдаги металл қувурларнинг қурилиш-монтаж ишлари тугатилиб, ишга туширилди. Қурилиш-монтаж ишлари Зарафшон қурилиш бошқармаси ишчи-ҳодимлари томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида жами 21 та объектда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди.

Лойиҳа тўлиқ қувватда ишга тушгач, Амударёдан келтирилаётган сув ҳажми йилига 37,2 миллион куб метрга ошади. Корхонамиз 2020 йилда 92 миллион куб метр сув етказиб берган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилда қарийб 12 миллион куб метрга ошди. Ўтган 2025 йилда эса 104 миллион 550 минг 292 куб метр сув етказиб берилди. Шаҳримиздан узоқ чўл ҳудудда жойлашган насос станциялар ишчи-ҳодимлари учун ичимлик суви етказиб бериш биров мушкул эди. Ўтган йилда бу муаммолар ҳам ўз ечимини топди. Кон бошқармаси мутасаддилари томонидан ҳар бир насос станциясига сувни қайта тозалаб, филтрлаб берувчи "ОСМОС" ускунаси ўрнатилди. Ишчи-ҳодимлар ҳозирги кунда филтрланган ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди.

Хулоса ўрнида

2024 йилда ўзининг шонли 55 йиллигини нишонлаган корхона тарихи 208 километрлик масофада диаметри 1220 мм лик 1-сув йўналишида сув қувурлари қурилиш ишлари билан бошланиб, 1969 йилнинг 27 майида фойдаланишга топширилган. Ишлаб чиқариш қувватлари ошгани ҳамда қўшимча сувга эҳтиёж туғилгани туфайли орадан тўққиз йил ўтгач, иккинчи сув йўналишини ишга туширилган бўлиб, айни вақтда учинчи сув тармоғи ҳам тўлиқ қувватда ишламоқда.



Ҳозирги кунда минг километрга яқин масофадан сув қувурлари орқали Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари, "Бессопан", "Мурунтов", "Довгизтов" "Ауминзо-Амантой" саноат ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва ичимлик суви ҳамда "Бессопан-Мурунтов" майдонида жойлашган корхоналарини иссиқлик энергияси билан таъминлаб Ташқи сув таъминоти бирлашган энерго хизматининг минг нафардан ортиқ муҳандис-техник ишчи-ҳодимлари зиммасида.

Суратлар муаллифи "НКМК" АЖ Марказий кон бошқармаси фотомухбири Дилшод БОБОМУРОДОВ.




Янги йўл ўтказгич қуриляпти

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Президентимиз топшириғи билан Қораўзақ ва Беруний туманлари ҳудудидан ўтувчи А-380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 673-698 километр (25 километр) қисmini Осиё тараққиёт банки иштирокида цемент-бетон қоплама билан реконструкция қилиш белгиланган эди.

Лойиҳа бўйича 37,32 миллион долларлик шартнома имзоланган бўлиб, қурилиш ишларини сифатли олиб бориш учун халқаро консалтинг компаниялари жалб этилган. Лойиҳа доирасида автомобиль йўлининг 690-километр қисмида икки томонлама ҳаракатни таъминлайдиган йўл ўтказгич ҳам қуриляпти. Қурилиш ишларининг дастлабки босқичида ҳар бирининг узунлиги 48 метр, эни эса 9 метрни ташкил этувчи йўл ўтказгичнинг бир йўналиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда.



“Термиз эко шаҳар” лойиҳаси қурилишига старт берилди

Файрат БҲРИЕВ,
Термиз тумани ҳокимлиғи Ахборот хизмати раҳбари.

Термиз тумани Наврўз маҳалласи ҳудудида турар жойлар, иккита мактаб ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, аквапарк ва меҳмонхоналарни ўз ичига олган "Термиз эко шаҳар" лойиҳаси қурилишига старт берилди.

Табдирда Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов иштирок этиб, лойиҳа доирасида барпо этиладиган турар жой ва бошқа биноларнинг жойлашуви, шунингдек, биринчи босқичда қурилиши режалаштирилган объектлар тақдироти билан танишди. Шу билан бирга, масъуллар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларига тасдиқланган лойиҳаларни сифатли ва белгиланган муддатларда амалга ошириш, барча муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 26 гектар майдонда 4 мингдан ортиқ турар жойлар, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш режалаштирилган.



Равон йўллар энди орзу эмас

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Оҳангаронда туман ҳудудидан ўтувчи А-373 автомагистраль йўлида "Resource center" масъулияти чекланган жамияти лойиҳасига кўра, қок автомобилларига техник хизмат кўрсатиш маркази қурилмоқда.

Инфратузилмани яхшилашга йўналтирилган бу лойиҳада туман тадбиркорлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Масалан, тадбиркор Шаросхон Абдуллаеванинг ташаббуси билан умумий овқатланиш ҳамда маиший савдо шоҳобчаларини қуриш ишлари олиб боришмоқда. Объектни шаҳар-носозлик талабларига мос равишда, белгиланган меъерлар асосида барпо этиш, келгусида қулай ва хавфсиз хизмат кўрсатиш мажмуасини барпо этиш учун барча имкониятлар ишга солинган.

Тадбиркорнинг айтишича, автотранспорт воситаларининг серкаторовлиғи туфайли нафакат йўл структураси бузиляпти, балки ён-атрофда жойлашган хизмат кўрсатиш мажмуаларига келиб-кетувчилар учун ҳам хавфли вазият туғилаётган эди. Шу боис, тадбиркор ўз жамгармаси ҳисобидан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Мажмуа йилнинг иккинчи чорағида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Янги марказ ишга тушгач, маҳаллий аҳолидан 50 нафарнинг доимий бандлиғи таъминланиб, қок автомобилларига сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш яхшиланади.

Нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур меъмор аёл

Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Гулшаира Магаметова Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1975 йилда Тошкент политехника институтини архитектура мутахассислиги бўйича тамомлаб, УзНИИП шаҳарсозлик институтида меъморчилик қурилиши бўлими архитектори сифатида фаолият бошлаган.



Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Унинг иштирокида институт томонидан 300 дан зиёд қурилиш объектининг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Хусусан, Гулшаира Магаметова томонидан Ўзбекистон Республикасида инфратузилмага эга тўртта халқаро аэропортни реконструкция, модернизация қилиш ва янгисини қуриш, Тошкент, Термиз, Урганч ва Навоий аэропортларида халқаро йўловчи терминаллари реконструкция қилиш, Фарғона, Нукус, Наманган, Бухорода учиб келиш пассажир терминали, Навоий ва Тошкент аэропортида интермодал логистика марказларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Айниқса, Навоий халқаро аэропортини қайта қуриш ва модернизация қилиш мажмуаси объектарининг лойиҳаси ўзининг мураккаблиги, муҳимлиги ва ҳажми билан алоҳида

ўрин тутди. Г. Магаметова лойиҳалар бош архитектори сифатидаги муаллифлик раҳбарлиги ва бевосита иштирокида Навоий халқаро аэропортини қайта қуриш ва модернизациялаш мажмуасининг 60 ўринли меҳмонхонаси билан кетринг биноси ва ёпик сузиш ҳавзаси бинолари лойиҳа ишларини амалга оширган. Ушбу аэропортнинг маъмурий-маиший, совутич камералари, ҳўжалик-маиший биноси, 300 тоннага мўлжалланган ангар туридаги омборхонаси, аэропорт офиси каби иншоотларни қамраб олган суткасига 300 тоннага мўлжалланган юк терминали мажмуаси лойиҳа ишлари ҳам шулар жумласидандир. Аэропортнинг соатига 400 йўловчига мўлжалланган йўловчи терминали биносини қайта қуриш ва кенгайтириш лойиҳа ишлари халқаро стандартлар талабига мос равишда бажарилди. Йўловчи терминаллари, расмий делегатларни қабул қилиш биноси каби 18 та иншоотни қамраб олган Урганч шаҳри халқаро аэропортини қайта қуриш, Давлат божхона қўмитасининг Чимён спорт мажмуаси, Фарғона аэропортининг йўловчи терминали биносини қайта қуриш объектла-

рининг лойиҳа ишлари ҳам ҳудудларга ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Г. Магаметованинг архитектура йўналишидаги муаллифлик лойиҳаси асосида Фарғона шаҳри аэровокзалини қайта қуриш ва аэропортнинг расмий делегатларни қабул қилиш биноси, Фарғона вилоятининг "Қирғули" массивидаги "Ёшлар маданий маркази"нинг ташқи майдонида жойлашган иншоотларни қуриш ва ободонлаштириш объектарининг лойиҳа ишлари ҳам муваффақиятли амалга оширилган.

Шунингдек, фахрий архитектор Тошкент шаҳридаги "Этнографик боғи", "Ўзбекфильм" биносини реконструкция қилиш, "Ғалаба боғи" лойиҳаларини яратишга ҳам катта ҳисса қўшган. Шаҳарсозлик соҳасида 2014-2020 йилларда Шаҳрисабз шаҳридаги "Тарихий марказ", Урганч шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди майдони, 2020-2021 йилларда Жиззах вилоятидаги "Зомин маркази", Сурхондарё вилоятидаги "Денов маркази" ҳамда "Ал-Хоразмий" турар жой мажмуаларини қайта режалаштириш ишларида ҳам фаол қатнашди.

Г. Магаметова бажариб келаётган қурилиш объектарининг меъморчилик лойиҳалари замон талабига мос қиёфаси ва қулайлиги билан халқимизга манзур бўлмоқда. У ишлаб чиққан барча қурилиш объектарининг лойиҳа ишлари ўзининг мураккаб меъморчилик ечимлари билан республика ва халқаро архитектура кўрик-танловларининг махсус дипломлари билан кўп мартаба тақдирланган.

"Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони, "Шўхрат" медали, "Дўстлик" ордени, "Мўғтабар аёл" каби фахрий унвонларга сазовор бўлган Гулшаира Магаметова 2018 йилдан буён "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" бош лойиҳа институти Давлат муассасасида Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-устахона олий тоифали лойиҳа бош архитектори лавозимида ишлаб келмоқда.

Бугунги кунда у Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси аъзоси, Шарқ мамлакатлари халқаро архитектура академиясининг мухбир аъзоси. Тажрибали меъмор 2025 йил "SHARE Ўзбекистан" 1-халқаро форумида "SHARE Architects" жамияти архитекторлар, конструкторлар ва дизайнёрларнинг Европа ташкилоти томонидан Ўзбекистонда архитектура замонавийлигини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун тақдирланган. Яна бир маълумот, тажрибали архитектор охириги 25 йил ичида Марказий ва Жануби-Шарқий Европа ҳамда Кавказдаги 45 нафар таниқли меъморлар рўйхатга киритилган биринчи аёлдир.

Бугунги кунда ўз иш тажрибаси ва касб маҳоратини ёш мутахассисларга ўргатиб, фидойилик бўйича ибрат кўрсатиб келмоқда. Ўз соҳасининг пухта билимдони, жонқуяр инсон, ташаббускор, меҳнатсевар раҳбар сифатида шоғирдлари, ҳамкасблари ва маҳалладошлари ўртасида ҳурмат қозонган малакали меъморнинг келгусидаги ишларида муваффақият тилаймиз.

Jeddah Tower

тез орада 100 қаватдан ошади

Саудия Арабистонидаги Jeddah Tower тез орада 100-қават чегарасига яқинлашиб, лойиҳани 2028 йилда якунлаш режаси сари яна бир қадам ташламоқда.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида бино баландлиги 69-қаватга етгани хабар қилинган эди. Декабрь охирида Thornton Tomasetti муҳандислик компанияси бино 80 қаватдан ошганини тасдиқлади. Маҳаллий аҳолининг билдиришича, қурилиш аллақачон 85-қаватга етиб борган. Агар ҳозирги сурыат сақланса, яқин ҳафта-ларда бино 100 қаватдан ошиб, дунёда шундай баландликка етган тахминан 25 та бинодан иборат "элит клуб"га кириши мумкин.

Шунга қарамай, яқунгача хали анча бор. Adrian Smith + Gordon Gill (AS+GG) архитектура бюроси осмонўпар бино камида 157 қават бўлишини маълум қилди. Яқуний аниқ баландлик ҳозирча аниқ эмас. Натижада, иншоот ҳозирги рекордчи – Бурж-Халифадан анча баланд бўлади. Шунингдек АКШдаги энг баланд осмонўпар – One World Trade Centerдан деярли икки баробар баланд бўлиши кутилмоқда.

Jeddah Tower ичида дунёдаги энг баланд кузатув майдончаси, шунингдек, люкс меҳмонхона, офис ҳудудлари ва элита хонадонлар жойлашади. Икки қаватли лифтар худди аттракцион каби йўловчиларни секундига 10 метргача тезликда ташшиди. Бино ичида жами 59 та лифт ўрнатиш режалаштирилган. Унинг умумий майдонни эса тахминан 530 минг квадрат метрни ташкил этади.



Саудия шахзодаси Ал-Валид бин Талал Ал Сауд раҳбарлигида амалга оширилаётган бу мегалойиҳа келажакда дунёдаги энг йирик туристик марказлардан бирига айланиши тахмин қилинмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Қурилиш тармоғи учун сифатли маҳсулотлар

▼ "Inter Prof City Stroy" МЧЖ қошидаги тош майдалаш ва саралаш заводида. Жонибек ҚЎЗИМУРДОВ (ЎЗА) олган сурат.



Завод ҳудуддаги қурилиш тармоғини зарур хомашё билан таъминлабгина қолмай, балки маҳаллий аҳоли бандлигини ошириш,

иктисодий фаоллиқни кучайтиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги иш

ўринлари яратиш режаси ҳам корхонанинг ривожланиш истиқболи кенг эканини кўрсатади.

Сурхондарё вилояти Денов туманида фаолият юритаётган "Inter Prof City Stroy" МЧЖ қошидаги тош майдалаш ва саралаш заводи ҳудуд қурилиш саноатида муҳим ўрин эгаллайди. 2021 йилда иш бошлаган мазкур корхона қисқа вақт ичида ички бозор учун сифатли хомашё етказиб берувчи барқарор ишлаб чиқариш масканига айланган.

Заводда бугунги кунда 12 нафар доимий ишчи меҳнат қилаётган бўлиб, улар замонавий ускуналар ёрдамида тошни майдалаш, саралаш ва қум-шағал маҳсулотларини тайёрлаш жараёнларини амалга оширмоқда. МЧЖнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 50–60 минг куб метрни ташкил этади. Бу ҳудуддаги қурилиш эҳтиёжларини қоплашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган қум ва шебень маҳсулотларига ички бозорда талаб юқори. Ушбу қурилиш маҳсулотлари асфальт заводлари, бетон ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда турии қурилиш объектларида кенг қўлланилади.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 27-29 январь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар (ахборот хизмати) бўлими бош мутахассиси **Ихтиёржон Сиддиков**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Девонхона бош мутахассиси **Шероз Эргашов**, Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектлари мониторингини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Акмалжон Зоҳиджонов**,

"Shaharsozlik hujjatlarni ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Молия-иқтисод бўлими бошлиғи **Рустамжон Наврўзов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси **Ғавҳар Ҳазратқулова**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ етакчи муҳандиси **Анварбек Жумабаев**, "Ўзоғирсаноатлоийха" АЖ ООПФ парроши **Даурия Тиллабаева**, қоровул **Камолдидин**

Шарафутдинов, ОИСК бош мутахассиси **Мураджон Балтабаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Ғўломжон Джумабаев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Султанбай Сагынбаев**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ишлари мудири **Гулида Бекбалаева**, Ширин шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Фаёз Тожибоев**,

"Issiqlik ta'minoti" АЖ Андижон вилояти филиали муҳандис-метрологи **Илёсбек Тошматов**, Бухоро вилояти филиали чилангари **Мардон**

Рамазонов, Самарқанд вилояти филиали Нуробод қозонхона бўлими муҳандис-механиги **Раҳмат Қубаев**, Қашқадарё вилояти филиали Икхро назорати ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича мутахассис **Зебинисо Гуллиева**, Навоий вилояти Қонимех филиали қозонхона оператори **Фирўз Иброҳимов**, Навоий шаҳар филиали тракторчиси **Зафаржон Чориев**, Иссықлик тармокдари жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар **Йўлдош Эгамов**, Навоий вилояти филиали бош метрологи **Лазиз Қурбонов**, Тошкент вилояти филиали Автомобиль хўжалиги бўлими хайдовчиси **Сандолмixon Саидқабаров**, Қўбрай тумани филиали 1-сонли қозонхона қоровули **Камалжан Ҳамиджанов**, Янгибозор тумани филиали қозонларга хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Баттирбек Пердешев**, Зангиота тумани филиали қозонхона устаси **Маҳаматамини Тиллаев**, Чирчик филиали ИХК бўлими бошлиғи **Баҳодир Рўзматов**, А/Т чилангари **Маҳамбет**

Тангиркулов, "Toshissiqquvati" МЧЖ хўжалик ишлари мудири **Лено Шаҳназарян**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туманидаги "Kommunal Xizmet Korsetiv O'rayi" МЧЖ бош директори **Азамат Салтанатов**, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги "Хўжаобод Ком Сервис хизмат" БСК МЧЖ бош директори **Дилшодбек Юнусов**, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Боғишамол янгиланиш" БСК МЧЖ бош директори **Шавкат Ражабалиев**, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Орзу ва Келажак" БСК МЧЖ бош директори **Умида Маматова**, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Abn Jauxon Sardori" БСК МЧЖ бош директори **Ботир Азимкулов**, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги "Best Ibrohim Build" БСК МЧЖ бош директори **Хожаёр Холмўминов**, Мирзо Улуғбек туманидаги "Baxt Nur Ta'mir Xizmati" БСК МЧЖ бош директори **Сайтбаки Муҳамеджанов**ларни таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ошлавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятгов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиiddин Эшқувватов, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райхона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусахҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори"
Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"ЎзТАШҚЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеоранметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-141. 1097 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Бахоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 0040.

Газетанинг навбатдаги сонини 3 февраль куни чиқади.